Давлат китоб палатаси
Ўзбекистон ССР Давлат нашриёт қўмитасининг ... 17.12.97

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 10 декабрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 95 (6991)

Da'vat

Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак наслар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ.

Ibrat

Тошкент Давлат университетининг 8 нафар аълочи талабаларига Японияннинг «Сумитома Корпорэйшн» фирмаси томонидан 150 АҚШ доллари миқдоридаги стипендия топширилди. Фирма бу хайрли ишини келгусида мунтазам равишда давом эттирмоқчи.

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ – МИЛЛАТ ФАРОВОНЛИГИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Муҳтарам дўстлар!
Азиз юртдошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларни Ўзбекистон Конституцияси беш йиллиги билан табриклаб, сизларга ўзимнинг самимий ҳурматимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Бугун ҳаётимиз Қомуси — давлатимиз Конституциясини таърифлаш, унинг ютуқлари, жамиятимиз ва бевосита ҳар биримизнинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида сўзлаш айни муддаодир.

Дарҳақиқат, бизнинг илгор ва бетакрор Конституциямиз билан, унинг ўз миллий анъаналаримизга, миллий табиатимизга ва бугунги жаҳон ишган ютуқларига, андозаларга муносиблиги билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Лекин, менинг фикримча, биз ана шундай олижаноб Конституциямиз нима учун бугунги ҳаётимизда тўлиқ ифодасини топмагани, нима учун ана шундай буюк ҳужжатни амалга киритишда баъзида ожиз қолаётганимизни ҳам кўрсатишимиз ва тан олишимиз жоиз бўлур эди.

Бу каби нуқсонларни ҳаммамиз ҳис этиб турибмиз-ку, лекин очиқ айта олмаймиз. Мана, ҳозиргина, минбарда туриб, бир нарсага эътибор бердим. Назаримда, мана шу ҳашаматли залга нимадир, кимлардир етишмаётгандай туюлди.

У ёққа қарасам ҳам, бу ёққа қарасам ҳам фақат эркакларни кўраман, аёллар қани?

Ҳар қандай жамоани, ҳар қайси жамиятни, ҳар қандай муҳитни, авваламбор аёлларимиз обод этади. Аёлларимизнинг бугунги анжуманда кўпроқ иштирок этиши Асосий Қонунимизнинг шаксиз амал этаётганига далил бўлиб хизмат қиларди, анжуман мазмунини янада бойитарди.

Минг афсуски, анжуман ташкилотчилари бу масалага эътибор беришмаган. Мен ўйлайманки, бундан кейин бу масалага алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳар кунлик ҳаётимизда ҳам шунга жиддий эътибор беришимиз зарур. Яна бир бор такрорлаб айтаман, Конституциямизнинг кўп олижаноб томонлари бор. Аммо уни ҳаётга татбиқ этишда, ҳозир кўриб турганимиздек, камчиликларимиз кўп.

Бу камчиликларни биров четдан туриб бизга кўрсатиши шарт эмас. Уларни биз ўзимиз чуқур англаб, ўзимиз негизига, томирига етиб бориб, ўзимиз ҳеч кимдан қўрқмасдан очиқ тан олиб, очиқ гапирсак, мен ўйлайманки, бу бизнинг бағри кенглигимизнинг ва ўз кучимизга ишонганимизнинг яна бир ифодаси, намойиши булади.

Бугунги қаётимизда нима камчиликлар, қандай ечилмаган муаммолар бор, яъни, авваламбор Конституция меъёрлари билан қиёслаганда, қайси масалалар бўйича Конституция талаблари ва кўрсатмалари даражасига биз ҳали етиб борганимиз йўқ!

Буларни ҳам очиқ айтишимиз керак. Агар биз амалда шу тадбирларни юрагимиздан утказмасак, ҳаётимизда татбиқ этмасак, Конституция қоғозда қолиб кетаверади. Ўзаро суҳбатларда, торроқ давраларда ошкоралик тўғрисида гапирамиз, матбуот эркинлиги тўғрисида, умуман, жойлардаги турачилик, жойлардаги одамларнинг аҳволига бепарволик, порахўрлик, ҳар хил эски замондан қолган сарқитлар ҳақида гапирамиз.

Менинг фикрим, талабим шуки, бу ҳақда катта йиғинларда, мана шундай залларда ҳам, Конституциямизнинг беш йиллигини нишонлаётганда ҳам очиқ ва дадил гапиришимиз зарур. Конституциямиз белгилаб берган демократик адолатли жамият қурмоқчи эканмиз, Конституциямиз моҳияти ва меъёрларига зид бўлган барча иллатлардан халос бўлишимиз керак.

Азиз дўстлар, ватандошлар!

Конституциямизни таърифлаганда нималарга эътибор беришимиз керак? Конституциямизни нима учун биз Асосий Қонунимиз — ҳаётимиз Қомуси деб биламиз?

Нима учун Конституциямиз биз учун, давлатимиз учун, жамиятимиз учун, ҳар қайси инсон учун бизнинг Байроғимиз, бизнинг Гербимиз, бизнинг Мадҳиямиз каби қадрли?

Конституциямизга риоя қилиш ва амал қилиш, нима учун муқаддас бурчимиз булиши шарт эканини биз албатта, жуда аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Авваламбор, бунинг сабаби шуки, халқимиз асрлар, минг-минг йиллар давомида адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуришни ҳавас қилган, орзу қилган. Конституциямиз шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётни ўзида мужассамлаштирган, унинг шаклини, маънавий қиёфасини кўрсатган.

Иккинчидан, давлатимизни ҳам, жамиятимизни ҳам, ҳар қандай фуқаронинг ҳам ҳуқуқини, ҳам бурчини — ҳаммасини белгилаб берган. Нафақат белгилаб берган, балки уларни — ҳуқуқлар ва бурчларни ҳам бир-бирига уйғунлаштириб, бир-бирига мувофиқлаштириб берган.

Яна бир улуғ томони шундан иборатки, Конституциямиз инсон ҳуқуқи, инсон эркинлигини ўзида мужассам этган ва виждон эркинлиги ва диний эркинлигимизни таъминлаб берган.

Конституциямизнинг биз учун муқаддаслиги яна шундан иборатки, ҳар қандай тараққиёт учун гаров бўлмиш тинчлик, осойишталик, тотув ҳаётнинг асосларини белгилаб берган.

Конституциямизнинг энг муҳим жойи шундан иборатки, у биз ҳаммамиз орзу қилган жамиятга эришиш учун, шундай ёруғ кунларга муносиб бўлиш учун бизлар қандай хусусиятларга эга бўлишимиз кераклигидан сабоқ берувчи улуғ дорилфунун вазифасини ўтайди.

Ўйлайманки, биз Конституциямизни ана шундай нуқтаи назардан ҳам таърифлашимиз, улуғлашимиз, уни муқаддас, деб билишимиз даркор.

Бугунги дунёда тараққий топган давлатларни олсак, мана шундай қарашлар ҳамманинг қонига, суягига, керак бўлса, иймон-эътиқодига кириб қолган. Агар биз ҳам улар эришган юқори даражага кўтарилмоқчи бўлсак, авваламбор Конституция талаблари ва меъёрлари онгимизга сингиши керак.

Бунга эришиш учун нималар қилишимиз лозим? Авваламбор, ўз устимизда ишлашимиз керак, иймон-эътиқодимизни мустаҳкам қилишимиз зарур. Жамиятимизда одамийлик хусусиятларини барқарор этишимиз керак. Нима учун курашаётганимизни чуқур англаб олишимиз даркор.

Беш-олти йиллик тажрибамиз кўп нарсаларга кўзимизни очиб берди. Кўп тарбия берди. **Агар мендан: «Мана шу беш-олти йиллик мустақил ҳаётимиз бизларга нима берди?», деб сўрасалар, мен одамларимизнинг маънавий қиёфаси ўзгарди, уларнинг маънавий бойлиги, миллий онги, сиёсий савияси кўтарилишига эришдик, деб айтардим.**

Бугунги оддий фуқаромизни 1990-1991 йиллардаги фуқаро билан қиёсласак, улар орасидаги фарқ жуда катта. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам, ҳар қандай тирноқ остидан кир қидирувчилар ҳам, агар озгина виждони, бўлса, ҳақиқатни тан олса, бу ҳақиқатни инкор қила олмайди.

Биринчи навбатда ёшларимизнинг, фарзандларимизнинг бугунги замон, бугунги жаҳон талаблари ва андозаларига ҳар томонлама жавоб берадиган билими ва савияси, шу билан бирга, аждодларимизга хос миллий ғурур, инсоний қадр-қимматимиз, ориятимиз юксалиб бораётганини кўриб, одамнинг кўнглида чексиз ифтихор ва эртанги ҳаётимизга, эл-юртимизнинг фаровонлигига сўзсиз ишонч уйғонади.

Ҳар кунлик ҳаётимизда мана шундай билимли, бамаъни, одобли, эл-юрти ғами ва ташвиши билан яшайдиган, жонини куйдирадиган ёшларимизни кўриб, ҳар қандай одам ҳам яйраб кетади.

Иймоним комилки, бугун биз бошқаларга нисбатан моддий нуқтаи назаридан унчалик бой бўлмасак ҳам, фарзандларимизнинг онгида, қалбида бугун жой топаётган, мужассамлашаётган маънавий бойлик ва инсоний фазилатлар жамиятимизнинг энг катта бойлиги бўлиб, эртанги кунимизнинг, фаровон ва эркин ҳаётимизнинг гаровидир.

Мана шу юксак минбардан туриб, ана шундай комил ўғил-қизларимизга таълим-тарбия бераётган ота-оналарга ва мураббийларга офарин айтиб, чуқур таъзим қилишга ижозат бергайсизлар.

Агар дунёда энг мураккаб, шу билан бирга, энг масъулиятли касб нима деб сўрашса, мен мана шу фурсатдан фойдаланиб, ота-оналик, мураббийлик деб айтган бўлардим. Нега деганда, бунинг масъулиятини, бунинг оқибатини тушуниш керак, англаш

(Давоми 2-бетда).

JUMLADA JAHON

● Асакада «ЎзДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилаётган барча турдаги машиналар учун товуш сўндиргич, тутун чиқарадиган трубалар ва «Нексия» автомобили учун зарбқайтаргич балқалар ишлаб чиқариладиган «Ўз-Донгвон Ко» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси ишга тушди.

● Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, шунингдек, барча МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ташаббуси билан чиқди.

● Ироқ ҳукумати БМТ назоратчиларига оммавий қирғин қуроллари, яъни ядровий, химиявий ва бактериологик воситаларни ишлаб чиқармоқчи бўлганлигига иқрор бўлди, дея хабар беради АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн.

● Туркия Президенти Сулаймон Демирэль Яқин Шарқдаги тинчлик музокараларининг боши берк кўчага кириб қолишида Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяхуни айбдор деб билмоқда.

● «Ньюман райтс уотч» халқаро ташкилотининг хулосасига кўра 1997 йилда ҳам дунёдаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазият ҳамон қониқарсиз аҳволда қолмоқда.

Обуна мавсуми тугашига 5 кун қолди

Дарҳақиқат, ҳар бир газета ва журнал муштарийсининг ўз нашрига бўлган эътибори, эҳтиёж даражаси обуна «фасли»да билинади. «Маърифат» газетаси ҳақида сўз кетганда, албатта, унинг маълум соҳа, касб соҳиблари учун эканлиги ҳам англашилади. Шу боис Халқ таълими вазирлигидаги ҳар бир йиғинда обуна масаласи алоҳида кўтарилади. Хусусан халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев нашрларнинг зарурати, ўқитувчи мутолаасининг, умуман, бохабарликнинг аҳамияти ҳақида доимо куйиниб гапиради.

Обуна мавсуми ҳам охирлашиб қолди. Шу нуқтаи назардан «Маърифат» газетасига обуна қандай кетяпти, деган савол туғилади. Уни икки хил — ташкилотлар ва якка обуначилар бўйича таҳлил этиш мумкин.

Умуман олганда, обуна жараёни айрим вилоятларда нисбатан яхши, лекин бундай хулоса ясашни бироз орқага сурамиз, негаки, ҳали обунанинг тугашига 5 кун вақт бор. Бу беш кун яна кўп нарсани кўрсатади. Ҳозирча эса айрим натижаларни ёзамиз, холос.

Масалан, Қашқадарёда 33 нафар педагогдан биригина «Маърифат»ни ўқир экан (қанча вақт мобайнидалиги ҳали бизга қоронғу). Андижонда эса ҳар 33, Бухорода 25 педагогнинг бири газетамизни ўқир экан. Бунга қарама-қарши Жиззахда эса ҳар 4 ўқитувчидан, Наманганда 6 ўқитувчидан, Тошкент шаҳрида 7 педагогдан бири «Маърифат»ни севиб ўқиркан. Бу икки хил рақамлар солиштирилса, ўз нашрига ЭЪТИБОР асл маъносида ҳам, қўштирноқ ичидаги маънода ҳам кўринади.

Бироқ ташкилотлар обунасини бундай солиштириб бўлмас. Негаки, халқ таълими, олий таълим тизимидаги ҳар бир ташкилот таълимдаги янгилик ва ўзгаришлардан бохабар бўлиб туришлари зарур. Кўпгина вилоятларимиз ташкилотлари ҳали тўлиқ обуна бўлганича йўқ.

Азиз халқ таълими ходимлари, раҳбарлари! Яна 5 кун муҳлат қолди. «Маърифат»га обуна бўлсангиз келгуси йил у сиз билан доимий ҳамроҳ бўлади.

ГАЗЕТАГА ЭЪТИБОР ОБУНАДА БИЛИНАДИ

ALIFBOIM, SUYUKLIGIM, O'ZINGSAN!

(Qasida)

«A» anglab aqlimni ardoqladim,
«B» bilib baxtimni baholadim,
«D» do'st deb dardimni davoladim,
«E» eslab elimni e'zozladim
Alifboim, suyukligim, o'zingsan!

«F» fahmlab fe'lda farosatlandim,
«G» ganchlab gapda gul-gavharlandim,
«H» hislab halolda hassoslandim,
«I» idroklab ilmda ildamlandim,
Alifboim, suyukligim, o'zingsan!

«J» jismu-jahonimda jigardir,
«K» ko'rkam kamolimda kamardir,
«L» labzi-lavozimda lobardir,
«M» maftuni-masrurda madordir,
Alifboim, suyukligim, o'zingsan!

«N» nasli-nasabim navosidir,
«O» oppoq orzuim ovozidir,
«P» piru-padarim parvozidir,
«Q» qaddi-qomatim quvonchidir,
Alifboim, suyukligim, o'zingsan!

«R» rivojdir ruhi-rohatimda,
«S» sayqaldir sabru-sabog'imda,
«T» tayanchdir tab'i tilagimda,
«U» ummondir umru-umidimda,
Alifboim, suyukligim, o'zingsan!

«V» viqorlidir vaslim vafoda,
«X» xattotlidir xalqim xatida,
«Y» yaroqlidir yurtim yo'lida,
«Z» ziynatlidir zehnim zabonda,
Alifboim, suyukligim, o'zingsan!

«O» ila o'ktami o'zbekman,
«G'» ila g'ayrati g'amxo'r g'olibman,
«Sh» ila shukuhu sharaf shodmonman,
«Ch» ila chin chidamliyu chaqqonman,
Alifboim, suyukligim, o'zingsan!

«Ng» nomini so'zimda jo'rlayman,
«'»ni ovozimda kuylayman,
Har biringni tilimda siylayman,
Qasringni ham dilimda poklayman,
Alifboim, suyukligim, o'zingsan!

Ona tilimning tog'day taxtisan!
Elu-yurtimning gulday baxtisan!
Asl naslimning jo'r ovozisan!
Mehru-vafoning bitmas konisan!
Alifboim, suyukligim, o'zingsan!

Asqarali MAMATOV,
Chortoq tumanidagi 17-maktab rus tili o'qituvchisi.

ЮНЕСКОГА АЪЗО МАКТАБ 2-бет.

АКАДЕМИЯДА МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ? 3-БЕТ.

СЕНИ ЎЙЛАЙМАН, БОЛАМ 3—4-бетлар.

МММ ХАБАРЛАРИ

БАЙРАМ КУНДАЛИГИ

Фарғона вилоятида ҳам қутлуғ санага бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди. Йиғилишни вилоят ҳокими Н. Мўминов бошқарди.

Тадбирда мустақиллигимизни, эркимизни, халқимизнинг ҳуқуқини, келажагимизни тўла кафолатлайдиган, ҳимоя қиладиган Конституциямизнинг аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилди.

Анжуман сўнггида вилоят илғорларидан бир гуруҳига давлатимизнинг орден ҳамда медаллари топширилди.

Гавҳар ЎСАРОВА.

Конституция — мамлакатлар, халқлар, миллатлар тақдиридаги алоҳида ҳодиса. Диққатга молик ҳодисалар эса асрлар оша мавқеини сақлаб туради. Мана шундай ақидалар руҳида бўлиб ўтган яна бир тантанали маросим, Тошкент туманидаги 9-мактабда бўлди.

Йиғилишни мактаб директори Ҳотам Иноғомов бошқарди. Хулласи, маросим куй-қўшиқлар ила кўтаринки руҳда ўтди.

Ж. ИСКАНДАРОВ.

Республика «Маърифат ва маънавият» жамоатчилик маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамкорлигида ўтган «Конституция ва ҳуқуқий маданият» мавзуидаги семинар-кенгаш ҳам Конституциямизнинг беш йиллик тўйига бағишланди.

МММ ХАБАРЛАРИ

«Маънавият» марказининг мажлислар залида ўтказилган мазкур йиғилишда ҳуқуқшунос олимлар, жамоатчилик вакиллари, раҳбарлар қатнашишди. Анжуманда Ўзбекистон судьялари Ассоциацияси раиси Абдил Тўхташевнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияои ва суд ҳокимияти» мавзуидаги маърузаси алоҳида эътибор билан тингланди.

Майсара ҚЎЙЛИЕВА.

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ – МИЛЛАТ ФАРОВОНЛИГИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Боши 1-бетда).

керак.

Жамият ўзининг эртанги кунини қандай тасаввур қилади. Биз аввалам-бор, ўсаётган фарзандларимиз, мана шу вояга етаётган болаларимиз орқали эртанги кунимизни кўз олдимизга келтиришимиз керак. Кундалик ташвиш, ҳар хил арзимайдиган тортишув, эскидан қолган интилишлар, носоғлом гердайишлар орқасидан бир нарсага эътибор бермаймизки, кундалик ҳаётимиз ташвишлари эртанги кунимизга соя солмаслиги, бекитмаслиги керак.

Икки-уч енгил машина, ҳашаматли уйлар, иморатлар ва жиҳозларга эга, кийиниши зўр, савлатидан от ҳуркадиган одам бой эмас. Мендан энг катта бойлик нима деб сўрашса, билимли, ақлли, одобли, эртанги кунини ўйлайдиган фарзанд ота-онанинг энг катта бойлиги деб айтган бўлур эдим. Бундай бойликка эга бўлганларни жамоа бой-бадавлат ота-она, бой-бадавлат оила деб тан олади. Бундай оила ҳеч қачон хор бўлмайди.

Бугун яхши тушунамизки, кўзланган марраларимизга етиш йўлида ҳали кўп ишларни бажаришимиз, кўп муаммоларни ечишимиз керак.

Мен бугун мана шу борадаги бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Сўз оила ҳақида, унинг жамиятимизда, ҳаётимиздаги роли, ўрни ҳақида бормоқда.

Ўзбекистон Конституциясида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деб ёзилган.

Шу Конституцияни ёзишда ўзим ҳам иштирок этганман, унга ўзимнинг билимимни, керак бўлса, бутун борлиғимни берганман. Бу сир эмас.

Мен ҳозир айтардимки, «...ҳуқуқига эга» дегани сал юмшоқроқ айтилган. Унинг ўрнига, оила жамиятимизнинг асосий бўғинидир. Оила жамиятимиз ва давлатимиз муҳофазасида, ҳимоясида бўлиши шарт, деб ёзардим. Нега деганда, бугунги замон шуни тақозо этяпти, бизнинг кўзимизни очиб, ҳаётга бошқача қарашни талаб қиляпти.

Оила ҳақида гапирар эканмиз, аввалам-бор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар:

Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланган.

Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало кўз ўнгимизда она сиймоси шаклланади. Нима деганда оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил — она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру муруввати, садоқати ва вафодорлигидир.

Инсон табиати, феъл-атвори ғудаклигидан шаклланар экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она сути билан киради.

Мана шунга алоҳида эътибор беришингизни илтимос қилмоқчиман: табиийки, она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар ғўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради.

Буларнинг моҳиятини ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, оилага эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш — бугунги кунимиз учун ва эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор.

Менинг таклифим — 1998 йилни Оила йили деб эълон қилсак, ҳар томонлама олижаноб иш бўлур эди.

Оила, унинг муаммолари, унинг иқболи ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз эътибори марказида бўлиши керак.

Ўйлайманки, биз ҳукуматимизга, жойлардаги ҳокимиятларимизга ва бошқа мутасаддиларимизга бу масала бўйича 1998 йилга мўносиб дастур ишлаб чиқишни топшириб, унинг бажарилишини назоратга олсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Азиз юртдошлар!

Мен яхши тушунаман, албатта, янги йил арафасида 1998 йил бўйича кўрилаётган режалар бизга нима енгиллик олиб келар экан, деган савол кўпчиликнинг хаёлида бўлиши — бу табиий ҳол.

Бир нарсани очиқ юз ва катта ишонч билан айтишимиз мумкин: охирги йиллар бошимиздан кечирган қийинчилик ва синовлар, халқимизнинг ҳалол меҳнати ва шижоати, давлатимизнинг, иқтисодимизнинг тўхтовсиз ва барқарор ривожланиши учун пухта замин яратди.

1998 йилда иқтсодимизнинг ўсиши 1997 йилдан кам бўлмасдан, унинг суръатлари 5-6 фоизни ташкил қилади.

Авваламбор, шунинг ҳисобидан кўпгина ижтимоий муаммоларимизни ечишга, одамларимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашга имкон яратилади.

Узгаларга ўхшаб қуруқ ваъда бермасдан, бир нарсани аниқ айтишим мумкин: 1998 йилда маошлар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа давлат тўловлари тахминан икки баробар ўсади.

Халқимизга қуруқ ваъдалар керак эмас. Бизга амалий, ҳақиқатан ҳам одамларнинг ҳаёти даражасини кўтарадиган ишлар керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун ҳаётимизда катта-катта ижобий ўзгаришлар бўлаётганини ҳеч ким инкор қила олмайди.

Албатта, ҳаммамизнинг истагимиз — қани энди бундай ўзгаришлар кўпроқ ва тезроқ бўлса. Лекин, минг афсуским, биз кўзлаган марраларга етишиш учун озми-кўпми вақт керак экан.

Ва яна бир муҳим шарт — қани энди бепарво, бефарқ, боқибеғам одамлар сони камайса, фидойилар, жонкуярлар сафи кўпайса ҳар бир инсон ва биринчи навбатда мансабдорлар ўз жойида ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилса ва ўз бурчини виждонан бажарса... Унда олам сўзсиз гулистон бўларди.

Мен ишонаман, бугун амалга ошираётган барча эзгу ишларимиз мана шундай кунларнинг ҳаётимизга тезроқ келишига асос солади.

Ҳар доим мен учун, ўйлайманки, бошқа раҳбарлар учун ҳам энг катта бойлик, энг катта шараф — у ҳам бўлса, сизнинг ишончингиз, халқимнинг менга қаратилган очиқ чеҳрасидир.

Илоё, эл-юртимизни ёмон кўздан асрасин, ёру биродарлар, қон-қариндошларимиздан айирмасин, қарияларимизга узоқ умр, ёшларимизга куч-қувват ва ғайрат, хонадонларимизга қут-барака берсин.

Оллоҳнинг ўзи барчамизни ўз паноҳида асрасин!

ЮНЕСКОГА АЪЗО МАКТАБ

Жамиятнинг барча жабҳаларида меҳнат қилаётган, яратиш, яшнатишга, тараққиётга улкан ёки заррадек бўлса-да, ҳисса қўшаётган инсонлар борки, дастлабки сабоқни мактабда олиб, улкан ҳаётга парвоз этганлар. Демакки, мактаб — барчага муқаддас. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Чортоқ туман халқ таълими бўлимига қарашли Короскон қишлоғидаги 33-мактаб ҳам бу ерда илк таълимни олиб, бугун ҳаёт мактабида ўз ўрнини топиб олган бир неча юзлаб инсонлар учун муътабар даргоҳга айланган. Ташкил этилганига эндигина етти йил бўлган мактабнинг бугунги фаолияти билан танишгач, ўтган қисқа даврда маориф соҳасида ибрат қилишга арзирли ишлар амалга оширилганига амин бўлдик.

Ўқув маскани муаллимлари ёшларни мустаҳкам билим, етук тарбияли инсонлар қилиб камолга етказишдек асл мақсад йўлида изланиб меҳнат қилишмоқда. Шу боис ҳам мактаб жамоаси ўтган 1996—1997 ўқув йилини янада улкан муваффақиятлар билан якунлашганди. Бу ютуқларнинг энг қувончлиси мактабни халқаро ЮНЕСКО ташкилоти аъзолигига қабул қилинганидир.

— Шу йилнинг январида мактабимиз ЮНЕСКО аъзоси бўлгани ҳақидаги табрик маълумотномасини, сўнг халқаро ташкилот бош директори Федерико Майор имзо чеккан дипломни олдик, — деди мактаб директори Фарҳод Олимов. — Шундан буён ҳар ойда ЮНЕСКО жаҳондаги барча давлатлар ҳаёти акс этган журналларни, ривожланган мамлакатларнинг ўқитиш услублари ҳақидаги мақолаларни, жаҳон стандартлари даражасидаги методик қўлланмаларни юбормоқда. Чет эл тажрибаларини ўрганиб ўтган 1996—97 ўқув йилида дарсларни улардан фойдаланган ҳолда олиб бордик. Ушбу ўқув йилида эса илғор ўқитиш услубларидан янада кенгроқ фойдаланаяпмиз.

Истиқлолнинг илк йилларида бошланган саъй-ҳаракатлар самара бераётган шу кунларда 33-мактабга насиб этган бу омадни ҳам Мустақиллик номи билан боғлаймиз. Зеро, истиқлолнинг ўтган олти йилида мамлакатимизда асрларга тенг ўзгаришлар бўлиб, Ўзбекистон руйи замин ичра дадил бўй кўрсатди. Ана шу йилларда ўқитиш, таълим-тарбия борасидаги ишлар ҳам мукаммаллашгани ва ниҳоят бир қишлоқ мактаби бугун бутун жаҳон нигоҳида эканлиги бор гап. ЮНЕСКОнинг мақсади барчамизга аён. Тараққий этган давлатлар тажрибаларини оммалаштириш, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш. Ана шундай мақсадда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилот 33-мактабни бошланғич синфларда инглиз тили, математика, информатика фанлари чуқур ўргатилаётганлиги, қишлоқ шароитида ёшларга бугунги кун талаблари даражасида сабоқ берилаётгани сабаб ўз тасарруфига олди. Бу натижадан руҳланган мактаб жамоаси ана шу улкан ютуқ ортида давомий натижаларга эришмоқда. Директор Ф. Олимов эришилган ютуқлар ҳақида, йигирмадан ортиқ фан тўгараклари фаолияти, инглиз тили, математика фанларидан дарсдан сўнг ўтказилаётган гуруҳ машғулотлари, гимназия синфларидаги ўқитиш услублари ҳақида гапирар экан, мактабнинг босиб ўтган фаолият даври ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи китоб тайёрланиб, ЮНЕСКО халқаро ташкилотига юборилганини алоҳида таъкидлади.

Эндиликда дунёнинг тараққий этган давлатлари ЮНЕСКО журналлари саҳифаларида Чортоқ тумани Короскон қишоғидаги 33-мактаб ҳаёти, унинг тажрибалари ҳақидаги мақолаларни ўқишади. Бу — катта ифтихор.

Исроил ЮСУПОВ,
Чортоқ шаҳри.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Туркия Исроил билан ҳарбий алоқаларини сақлаб қолажагини билдирган. Аввалроқ Теҳронда йиғилган исломий давлатлар ташқи ишлар вазирлари Исроил билан ҳарбий шартномаларини бекор қилишни талаб қилувчи резолюцияни имзолаган эдилар. Туркия мудофаа вазири Исмат Сезгиннинг айтишича, исломий конференция чиқарган резолюцияга итоат қилиш унинг ҳукумати учун шарт эмас.

***

Индонезия Марказий банкининг асосий биносида чиққан ёнғин оқибатида ўн беш киши нобуд бўлган. Йигирма беш қаватли бинодан аксарият ходимлар олиб чиқилган. Ўт ўчирувчилар ёнғинга қарши курашда вертолётлардан ҳам фойдаланганлар. Хабарларга кўра ёнғин назорат остига олинган. Жасадлар бино ичкарисидаги лифтдан топилган.

«ВВС» (Лондон).

***

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили Чоп Нён Пак Афғонистоннинг шимолий қисмига чоршанба куни сафар қилиб қирғин йўсинида ўлдирилиб кўмилган кишиларнинг ялпи қабри ҳақидаги рапортни текширишни режалаштирган.

***

Эллик бешта мусулмон мамлакат раҳбарларининг Теҳронга йиғилиши, Эроннинг фикрича, энди у ажралиб қолган мамлакат эмаслигини исботлайди.

«Америка овози» (Вашингтон).

Tashabbus

КИЧКИНТОЙЛАР ТЎҚ – КЎНГИЛ ТЎҚ

Беш йил бурун, яъни 1992 йилнинг август ойида Косон тумани ҳокимлиги ва туман халқ таълими бўлимининг саъй-ҳаракатлари туфайли туман халқ таълими бўлими қошидаги хўжалик ҳисобидаги умумий овқатланиш корхонаси ташкил этилди.

Унинг зиммасига бугунги бозор муносабатларига ўтиш даврида туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги болалар боғчаларини керакли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдек, ўта муҳим вазифа юклатилди.

Нега шундай корхона ташкил этилди? Одатдагидек туман умумий овқатланиш идораси хизматидан фойдаланаверилса бўлмасмиди?

Рости, ўша умумий овқатланиш идораларидан олинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзи ҳам, устама нархлар ҳам ойма-ой ошиб кетаверди. Ҳатто айрим маҳсулотлар устига қўйилган устама нарх 40-45 фоизгача етди. Мазкур корхона мавжуд 18 та болалар боғчалари учун керакли полиз ва сабзавот маҳсулотлари, мева-чеваларни айни пишиқчилик палласида ғамлаши, шакардан тортиб асалгача, сутдан то гўштгача — ҳамма маҳсулотларни аъло сифатида мумкин қадар арзон нархларда келтириши кўзда тутилганди.

Корхонанинг Раҳматилла Дўстов бошлиқ жамоа аъзолари ишни ўз Низомини тузишдан бошладилар. Бош ҳисобчи Гулсара Иброҳимова, иқтисодчи Дилшода Қурбонова, ҳисобчи Асад Дўсов, омбор мудири Камол Ҳайитов, маҳсулот ташувчи ва шоферлар Анвар Дониёров, Шуҳрат Қувватов, Яҳё Боборажабов, хуллас жамоанинг барча аъзолари виждонан хизматга киришдилар.

Корхона маъмурияти тумандаги деярли барча хўжаликлар билан Шаҳрисабз, Китоб, Қарши туманларидаги ва қўшни Сурхондарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари туманларининг чорвадору деҳқонлари, ишбилармону сабзавоткорлари билан мустаҳкам алоқа боғлади. Борди-келдини мустаҳкамлаш борасида узаро шартнома тузилди. Корхона учун зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтирила бошлади.

Корхонанинг маҳсулот айлантириш даражаси йилдан йилга ошиб бораверди. Ўтган йили корхонанинг маҳсулот айлантириш даражаси 13 миллион 100 минг сўмга етиб, йиллик соф фойда эса 325 минг сўмни ташкил этди.

Болалар боғчаларига етказиб берилаётган маҳсулотларнинг нархи бозордагидан анча арзон. Устама нархлари эса кўпи билан 8-10 фоиздан ошаётгани йўқ. Корхона ўтган йилги соф фойдаларидан туман халқ таълими бўлими услубчиларини туман ҳудудидаги давлат автобусларида бепул юришлари, мактаб ва боғчаларда турли тадбирлар ўтказиш, 2, 4, 12-болалар боғчаларига алоҳида ҳомийлик учун — ҳаммаси бўлиб 133 минг сўм пулни туман халқ таълими бўлими ҳисобига ўтказди.

Корхона жамоаси 1997 йилни 400 минг сўм соф фойда билан якунлаб, ана шу маблағнинг тенг ярмини яна туман халқ таълими фаровонлиги учун ҳадя қилишга аҳд қилишган.

Аслида, эзгулик ва ҳотамтойликнинг чегараси ҳеч бир жойда чекланмаган. Бу ҳар кимнинг ҳимматига боғлиқ. Бироқ бундан келаётган савобни ҳам ўлчаб бўлмаса керак. Барибир унинг ҳам меъёри беҳисоб бўлса керак. Корхонанинг кун сайин бойиб бораётганининг боиси шундан бўлса ажаб эмас. Айни кунда тумандаги 18 та болалар боғчаларида тарбияланаётган 2 мингдан ортиқ кичкинтойларнинг еб-ичишида камчилик йўқ. Уларнинг таомномасида бирон-бир маҳсулот етишмовчилиги сезилганича йўқ.

Биз ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида тумандаги «Дилором», «Олтин калитча», «Қалдирғоч», «Орзу» ва бошқа болалар боғчаларида бўлдик. Мудиралар, ошпазлар ва хўжалик ишлари билан шуғулланувчи ходимлар билан суҳбатлашдик. Улар корхона аҳлининг хизматидан беҳад мамнун эканликларини билдиришди.

— Косон туман халқ таълими бўлими қошидаги хўжалик ҳисобида иш юритувчи умумий овқатланиш корхонаси ўзини оқлади. Корхона иш фаолиятини Қашқадарё вилояти миқёсида ёйиш ниятида анчагина тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бораяпмиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Жомурод Жиловов биз билан бўлган суҳбатда. Бу тадбир кўп жиҳатдан туман ҳокимликларига боғлиқ экан... Нима бўлгандаям, туманларда бундай корхоналарни ташкил этиш учун қайта-қайта барча имкониятларни ишга солиб кўрамиз...

Ўринбосар ҳақ гапни айтди. Дарҳақиқат, туман халқ таълими бўлимлари қошида хўжалик ҳисобидаги умумий овқатланиш корхоналарини очиш кўп жиҳатдан эмас, том маънода туман ҳокимликларининг инон -ихтиёридаги ишдир. Мабодо, бу хайрли ишни вилоят миқёсида кенг ёйишни вилоят ҳокимлиги ўз назоратига олса-чи? Менимча, у ҳолда бу иш ўз-ўзидан тезлашади...

«Ё юкни туяга элт, ёки туяни юкка». Худди шундай. Нима қилиб бўлсаям, фойдали ишни оммалаштирмоқ лозим. Косондаги ушбу корхонанинг ишларини нафақат Қашқадарё вилоятида, қолаверса, бутун республикамиз миқёсида кенг ёйиш чора-тадбирларини кўрмоқ лозим. Ахир, боғчада болаларнинг қорни тўқ бўлса, отаоналарнинг ҳамма вақт кўнгли тўқ бўлади-ку!

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Ta'limda tadbirkorlik

ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

Мактабимиз зиёкорлари таълим-тарбия ишида эришган ютуқлари билан чекланиб қолмасдан тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор бераётирлар. Очиғи, тадбиркорликни ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ҳозирликни 1988-1989 ўқув йилидан бошладик, десам янглишмаймиз. Негаки, ўша йилларда мактабимиз, атрофига 800 туп терак эккандик. Мана энди улар кўзга кўриниб қолди. Тераклар экишни давом эттирдик, 2 минг туп терагимиз бор. Умуман, мактаб ер участкаси 2 гектарни ташкил қилади. 400 тупга яқин урик, олма, шафтоли каби мевали дарахтлар ҳам экилган, ҳосил бериб турибди. Ёш ниҳоллар ораларига кузги бўғдой экканмиз.

Яқинда мактабимиз ҳузурида кичик фермер хўжалиги ташкил этилди. Жамоа хўжалиги мактабга 5 гектар ер ажратиб берди, энди деҳқончилик билан шуғулланамиз, яъни пахта ва дон экамиз.

Мактабимизга этикдўзлик устахонси ҳам ишлаяпти. Болаларнинг пойафзаллари бепул таъмирланиб берилади. Тикувчилик цехи ҳам фаолият кўрсатаяпти. Тегирмон қуриб олганимиз айни муддао бўлди. Арзон баҳода қишлоқ меҳнаткашларининг бўғдойларини ун қилиб бераяпмиз. Тегирмончимиз Мадамин Олламов ўз ишининг «пири»га айланди, десак муболаға бўлмайди.

Тадбиркорлик ишларини янада ривожлантириш учун мол ва парранда боқиш режасини тузяапмиз. Худо хоҳласа, бу ниятимиз ҳам рўёбга чиқиб, «бозор иқтисоди» деган ҳаёт мактаби имтиҳонини, агар таъбир жоиз бўлса, «аъло» баҳоларга топширмоқчимиз.

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 19-ўрта мактаб директори.

Yangi alifboni o'rganamiz

МАЛАКА ОШИРИШ ЭҲТИЁЖИ

Республикада лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосининг жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курсида боғча мудиралари, тарбиячилар, методистлар ва янги типдаги муассаса ходимлари ўз мутахассисликлари фанлари қаторида янги ўзбек лотин алифбоси ва имлосини ҳам қизиқиб ўрганмоқдалар.

— Бизларга, айниқса, — деди курс ўқув бўлими мудири Насиба Салоҳиддинова, — Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг она тилини ўқитиш назарияси ва методикаси бўлими мудири, филология фанлари номзоди, доцент Суннатулла ака Ризаев яқиндан ёрдам бераётганини таъкидлаб ўтишим жоиз. Шунингдек, биномиздаги кўргазмаларни янги ўзбек алифбоси ёзувида тайёрлаяпмиз... Республика вилоятларига чиқиб, у ердаги малака ошириш институтларида уюштириб келинаётган дарс жараёнлари ҳам яхши натижа бермоқда.

Дарҳақиқат, курсга келган мактабгача тарбия ходимлари нафақат янги ўзбек лотин алифбосини ўрганибгина қолмай, янги алифбо ва имло бўйича муаллифлик ҳуқуқи бериладиган махсус курсларда фаол иштирок этишяпти. Бинобарин, булар республика вилояти жойларида истиқомат қилаётган барча фуқароларга янги алифбо ва имло таълимида дарс бериши янги имло бўйича саводхонликни таъминланишига амалий ёрдамлашадилар.

Доимий ишлаб турувчи республика курси маъмуриятининг (директори Манзура Солиҳова) янги ўзбек алифбоси ва имлосини қисқа муддатда тез ва осон ўзлаштириб олинишига алоҳида диққат-эътибор бераётганлиги таҳсинга сазовор. Қисқаси, мутахассислар ёрдамида алифбо ва имлони ўрганиш биз ҳаммамизнинг эҳтиёж ва бурчимиздир.

М. КЎЧҚОРОВ.

Суратда: доцент Суннатулла Ризаев курснинг муаллифлик ҳуқуқи бериладиган гуруҳида янги ўзбек лотин ёзуви ва имлосидан дарс бермокда.

Xabardor bo'ling

АКАДЕМИЯДА МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ

«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида «Таълим тўғрисида» Қонун қабул қилинди ва у эълон қилинган 1997 йил 30 сентябрдан бошлаб кучга кирди. Албатта, Қонун ўртага қўйган масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасидан тортиб то мактабгача таълим муассасаларигача ишлар олиб борилмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат жамият қурилиши академиясида ҳам анчагина вазифаларни ҳал қилиш бўйича режалар тузилмоқда.

Академия очилгандан бери 2,5 йил вақт ўтди ва икки марта магистрлар ўқишни битказдилар ҳамда тегишли дипломга эга бўлдилар. Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида: «Магистура... магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади» (И. А. Каримов. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Биринчи чақириқ Ўзбекистон республикаси Олий мажлиси IX сессиясида сўзланган нутқ. Халқ сўзи, 1997 йил, 30 август), — дейилган. Шундан келиб чиқиб Академияда ушбу диссертация ёзилиши ва ёқланиши бўйича Низом ишлаб чиқилди. Яъни унда магистрлик диссертациясининг ҳақида барча саволларга жавоб ўз ўрнини эгаллаган бўлиб, қуйидаги бўлимлардан иборат: магистрлик диссертациясининг мақсади, вазифаси, мавзуси, мазмуни, ҳажми, таркиби, шаклу шамойили, тили ва услуби, ҳаётга татбиқи, илмий раҳбар, оппонентлар, муаллифлик ҳимояси жараёни, баҳоланиши, натижалари ва зарурий иловалар.

Ушбу Низом ишлаб чиқилгани жуда яхши. Лекин аввалги диплом ишларидан ва номзодлик диссертациясидан унинг фарқи нималардан иборат деган савол туғилиши табиий.

Мақоламизда шу саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Академиянинг 10 ва 12 ойлик курсларини битирувчи тингловчилари таҳсилни магистрлик диссертацияси ёзиш ва ёқлаш билан якунлайдилар. Магистрлик диссертацияси Академия таҳсилининг натижаларини кўрсатувчи, тингловчининг назарий ва амалий билимларини умумлаштириб, илмий тадқиқот яратиш малакасини мужассамлантирувчи ижодий меҳнат намунасидир. Магистрлик диссертацияси битирувчининг дунёқараши, илмий-ижодий салоҳияти, мустақил ва эркин фикр юритиш қобилияти, ёзма нутқ маданиятини ҳам яққол намойиш этишга хизмат қилади. Академияда бажариладиган магистрлик диссертациялари илмий-сиёсий савияси, ҳаётий-амалий аҳамияти жиҳатидан фан номзодлиги диссертациясига яқин ва олий ўқув юртлари диплом ишларидан баланд даражада туриши керак. Ҳар бир магистрлик диссертацияси мавзуи амалиёт билан, тингловчининг меҳнат фаолияти, ихтисоси ва иш жойи хусусиятлари билан (факультет хусусиятларидан келиб чиқиб) чамбарчас боғлиқ бўлмоғи даркор. Мавзулар ифода тарзига кўра аниқ бўлиши, кафедралараро такрорларга йўл қўйилмаслиги лозим. Магистрлик диссертацияси илм-нинг қайси йўналишида яратилмасин, у давлат ва жамият қурилиши муаммоларини ёритиши, мустақил Ўзбекистон Республикаси сиёсатига мувофиқ, миллий мустақиллик мафкурасини илгари сурадиган равишда битилмоғи зарур. Ана шу асосий тамойиллардан келиб чиқиб, Академияда яратиладиган магистрлик диссертациялари олдига қўйиладиган талабларни акс эттирувчи Низом яратилди. Ушбу Низом Академия Илмий Кенгашининг 1996 йил 31 январида бўлиб ўтган йиғилиши қарорига биноан тузилган магистрлик диссертациялари талаблари (низоми)ни ишлаб чиқувчи комиссия фаолияти асосида вужудга келди. Низомнинг тўлиқ мазмуни ва моддаларини муфассал баён этамиз.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Магистрлик диссертациясида асосий мақсад Академия тингловчиларида илмий тадқиқот яратиш малакасини ҳосил қилиш. Тингловчилар магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида таҳсил мобайнида олган билимларини умумлаштиришга, унинг натижаларини илмий равишда акс эттиришга эришишлари лозим. Магистрлик диссертацияси тингловчиларнинг дунёқарашлари, сиёсий савиялари, илмий умумлашма фикрларини ёзма нутқда саводли ифодалашларини тақозо этади. Магистрлик диссертациясида танланган мавзу бўйича муаммолар кўрсатилиб, унинг ечимлари таҳлил қилинган бўлиши керак. Шунинг учун барча тингловчилар магистрлик диссертациясини ёзишлари шарт. Магистрлик диссертацияси олдига қўйилган мақсадни имтиҳон ёки бошқа бирор синов тури бажаролмайди.

Магистрлик диссертациясининг вазифаси. Танланган мавзунинг назарий-амалий муаммоларини ёритиш магистрлик диссертацияси-нинг асосий вазифасидир. Магистрлик диссертацияси тингловчининг Академия даргоҳида олган билимлари натижасини ифодалаши зарур. Магистрлик диссертациясида тингловчининг назарий қарашлари унинг меҳнат фаолияти самаралари билан муштарак равишда мужассамлашмоғи даркор. Бугунги кун талабларигагина эмас, балки истиқбол мақсадларига ҳам хизмат қилиш магистрлик диссертациясининг олий муддаосидир.

Магистрлик диссертациясининг мавзуси. Мавзуда танланган муаммо аниқ, равшан ифодаланган бўлиши керак. Тингловчининг тор ихтисосидаги долзарб муаммолар магистрлик диссертацияси мавзусига асос бўлади. Магистрлик диссертацияси мавзусида илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларида ишланаётган мавзулар такрорланмаслиги лозим. Мавзуни тингловчининг ўзи мустақил ёки тегишли соҳа мутахассислари, кафедра мудирлари билан бамаслаҳат танлайди ва мазкур мавзу бўйича диссертация ёзиш қарори, тегишли илмий раҳбар ҳамда кафедрага бириктириб қўйилиши ҳақида факультет декани номига ариза ёзиб мурожаат қилади. Магистрлик диссертацияси мавзуси тегишли кафедрада муҳокама қилиниб, тасдиқланади.

Факультет декани тингловчилар аризалари ва кафедралар тавсиялари асосида Академия Илмий кенгашига мавзуларни тасдиқлаш тўғрисида тавсия тайёрлайди. Мавзу ўқув йилининг дастлабки ойларидаги Илмий кенгашда муҳокама қилиниб, тасдиқланади.

Магистрлик диссертациясининг мазмуни. Давлат ва жамият қурилишидаги энг долзарб муаммоларнинг янгича, ёрқин илмий таҳлили, ечимлари магистрлик диссертациясининг мазмунини ташкил этиши керак. Магистрлик диссертациясининг ғоявий мазмуни Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати, миллий мустақиллик мафкураси билан йўғирилган бўлиши лозим. Магистрлик диссертациясининг савияси юқори бўлиши зарур. Битирувчи магистрлик диссертациясида саёз фикрлашдан, қайтариқлардан, сиёсий — ғоявий нуқсонлардан, кўчирмакашликдан сақланиши талаб қилинади. Магистрлик диссертацияси Академия битирувчисининг илмий-ижодий маҳсули сифатида қаралади. Академиянинг ҳар бир битирувчиси шундай фаолиятга қобил бўлиши муҳим.

Магистрлик диссертациясининг ҳажми. Магистрлик диссертациясининг ҳажми 2 оралиқ машинка ёзувида 65 саҳифадан кам бўлмаслиги, 75 саҳифадан ошмаслиги лозим. (Диплом ишининг ҳажми бироз камроқ бўлиб 50—60 бетни ташкил қилиши талаб қилинар эди). Агар магистрлик диссертацияси талаб қилинган ҳажмда бажарилган бўлса-ю, унда илмий янгилик бўлмаса, диссертация амалиёт ва битирувчининг меҳнат фаолияти билан боғланган бўлмаса, унда мазмуний саёзлик, қайтариқ, кўчирмалар кўп бўлса, диссертация қайта ишланиб Низом талаблари даражасига етказилмагунча муҳокамага қабул қилинмайди. Иловалар диссертация ҳажми ҳисобига кирмайди.

Магистрлик диссертациясининг таркиби. Академия битирувчисининг магистрлик диссертацияси таркибий жиҳатдан Олий аттестация комиссиясининг илмий тадқиқотлар учун яратишга тайёргарлик, ҳатто, уларнинг баъзилари чинакам илмий тадқиқот даражасида ёзилади дея умид қилинади. Магистрлик диссертацияси кириш, асосий қисмни ташкил этувчи фасллар ёки боблар, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати (1-илова), илова қисмларидан иборат бўлади. Шунингдек, диссертация таркибида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, янгилиги, амалий татбиқи, натижаларини асословчи моддалар бўлиши зарур.

Хулоса қисмида амалий тавсиялар бўлиши муҳимдир.

Магистрлик диссертациясининг шаклу шамойили. Магистрлик диссертацияси битирувчи томонидан оқ қоғозга машинкада ёки компьютерда чиройли, саводли кўчирилган, муқоваланган ҳолатда топширилади (2-илова).

Рустам ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси I-проректори, сиёсий фанлар доктори.

1-илова

Фойдаланилган адабиётлар:

I. Қонунлар, бошқа ҳуқуқий, сиёсий ҳужжатлар
II. Китоблар ва рисолалар
III. Рўзнома ва журналлардаги мақолалар
IV. Диссертациялар,авторефератлар
V. Статистик тўпламлар

2-илова

А-4 ўлчамли ёзув қоғозига Магистрлик диссертациясини ёзиш тартиби:

Диссертация бетлари қуйидагича ёзилиши лозим:

Чап томондан	—	30 мм
Юқоридан	—	20 мм
Ўнг томондан	—	10 мм
Пастдан	—	25 мм

Ҳар бир қаторга 63—65 тадан ҳарф ёзилади. Жами 27—28 қатор бўлади.

(Давоми келгуси сонда)

Ta'lim homiylari

МАКТАБДА ЖАМИЯТ ВОЯГА ЕТАДИ

Бошингга ташвиш тушганда атрофингда гиргиттон бўлиб, имкони даражасида оғирингни енгил қилаётганларни ҳақиқий дўстинг деб бил, дейишади донолар. Мамлакатимизда таълим-тарбияни муносиб иўлга солиш, ёш авлодни чинакам давомчилар этиб вояга етказиш ташвиши қилинаётган ушбу кунларда бу ишга қанчалик кўп бел боғланса, шунчалик тез ва соз муродга етилади.

— Мактаб, боғча олдидан шунчаки ўтиб кета олмайман, — деди Каттақўрғон туманидаги «Наслли парранда» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Пардабой Аширбоев. — У ердаги саранжом-саришталикни кўриб қувонсам, ивирсиганига кўнглим хира тортади. Негаки бу муқаддас маконда фарзандларимиз улғайишаяпти. Демакки, ундаги барча нарса гўзал, барча киши хушҳулқ бўлмоғи керак. Шундагина биз қобил фарзанд ота-оналари бўла оламиз.

Пардабой аканинг ўз ишлаб чиқаришидан ортиб, таълим-тарбия борасидаги куюнчакликлари нафақат гапда, балки уларга оталиқни ҳам зиммасига олганлигида кўринади. Тумандаги «Олтин хўрозча» номли болалар боғчаси ҳамда 57-мактаб-интернат ҳиссадорлик жамиятининг доимий оталиғида. Болалар боғчаси биноси кўнгилдагидек таъмирланиб, ёнига қўшимча бинолар қўшилди. Болалар учун ойлик тўлов 120 сўмни ташкил этмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми ҳиссадорлик жамияти томонидан тайёрлаб берилади.

— Ҳозирда болалар боғчаларини давлат ўз ҳимоясига олаяпти, — деди П. Аширбоев. — Чунки кўпгина жойларда бу масканлар ўгайга айланиб, ёпилиб қолган эди. Ҳиссадорлик жамиятимиз эса бундан буён ҳам ўз ғамхўрлигини кўрсатаверади. Боиси, бу боғчада асосан ишчиларимизнинг болалари тарбияланишади. Уларнинг ўз боласидан кўнгли тўқлиги, албатта, иш унумида ўз аксини кўрсатади.

Ҳиссадорлик жамиятининг ўтган икки ўқув йили давомида тумандаги илм масканларига кўрсатган оталиқ ёрдамини ҳисобласак, бу мақсадга салмоқли маблағ сарф этилганлигига гувоҳ бўламиз. Биргина 57-мактаб-интернат учун кўрпа-тўшак ғилофлари, болалар ички кийимлари, қурилиш материаллари берилган ҳамда таъмирлашга ишчи кучи ажратилган. Бу ишлар учун 200 минг сўмга яқин маблағ сарфланган. Ундан ташқари 32-мактабга таъмир учун 9000 сўмлик оҳак, цемент, 41-мактабга 8200 сўмлик цемент ва дераза ойналари олиб берилган. 54-мактабга сув чиқарадиган 60000 минг сўмлик насос ўрнатилган.

— Бозор муносабатлари тобора такомиллашаётган бир даврда имкониятлар кўлами ҳам бирмунча кенгаймоқда. Улардан фойдаланиш баробарида топилган маблағни оқилона харажат қилишни ҳам билиш керак, — деди П. Аширбоев. — Биз ҳозир кўрсатаётган ёрдам натижасини бугун кўз билан кўрмасакда, бир кун келиб, ёшларнинг одоб билан салом бериб, уйнинг тўрига чорлашининг ўзиёқ меҳнатимиз маҳсули бўлади. Зеро, мактабда жамият вояга етади.

Шу мазмундаги мақолалар гўёки бир кишини мақташ мақсадидагина ёзилганга ўхшаб туюлади. Бироқ, ундан кўзланган яна бир асосий ният борки, у ҳам бўлса Пардабой акадек таълим ҳомийлари сафининг кенгайиши. Шу юртни ўз ватаним деб, унинг келажагини ўз тақдирим, деб билган ҳар бир инсон бу эзгу ишга бош қўшмоғи лозим.

Исматилло УМАРОВ,
«Маърифат»нинг жамоатчи мухбири.

Ta'kid

МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШАЁТГАН МАСКАН

Пойтахтимизда шундай илм даргоҳлари борки, улар шаҳар ҳуснига ҳолдек яраша-ган. Бу илм масканларида мустақил Ўзбекистонимизнинг бўлажак олиму фузалолари, академик, профессорлари таълим олаяпти десак, фикримиз хато бўлмас. Шундай даргоҳлардан бири ТошДУ қошидаги С. Сирожиддинов номидаги лицейдир. Лицей бошқа ўқув даргоҳларидан фарқлироқ, ташкил этилганига анча йиллар бўлиб қолди. Ўқиш системаси компьютерлаштирилган. Бу даргоҳда республикамизнинг турли вилоятларидан келган иқтидорли ёшлар таҳсил олишади.

Лицейда ўқиш соҳалари бўлимларга ажратилган бўлиб, малакали, тажрибали ўқитувчилар дарс беришади. Жумладан, математикадан фан номзоди, доцент Қосимали Абдуллаев, Мирфозил Мирзаахмедовлар, кимё фанидан профессор Абдусафий Йўлчибоев, Аҳмад Турсуновлар, биология фанидан Суннатилла Исҳоқов, Муҳтарам Аслонова каби меҳри дарё устозлар ўқувчилар қалбидан чўқур жой олишган.

Қувончли томони шундаки, уч йиллик таҳсилдан сўнг тайёрлов-синов билимларини мукаммал эгаллаган лицей ўқувчилари, албатта, нуфузли олий ўқув юртларининг талабалари бўлишмоқда. Демак, лицей жамоаси ўз олдига қўйилган эзгу мақсадларига тўла эришмоқда.

Ойгул КОЖАНОВА.

Muloqot

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ САРИ

Ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг негизида фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш, аҳолининг қуйи қатламига ҳуқуқий кўникмалар бериб бориш давлат ислоҳотларининг устивор йўналишларидан бири бўлиши керак. Шу маънода ўзига хос тараққиёт йўлидан одимлаётган ёш мамлакатимизда ҳанузгача ҳуқуқ масалаларида аҳоли ўртасидаги тушунмовчиликлар, ҳуқуқий савиянинг пастлиги демократик давлат қуришдаги асосий тўғаноқ бўлиб турганлиги бироз аянчлидир. Ҳукуматимиз томонидан бу борада қабул қилинаётган қатор қонун ва қарорлар қанчалик адолатли, мукаммал бўлмасин, ижро органларининг фаолиятида йўл қўйилаётган сусткашликлар барчамизни жиддий ўйга толдиради. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозим. Ижро органларини ҳушёрликка чақириш, аввало «тўртинчи ҳокимият» (шундай аташ керак бўлса!) вакиллари, қолаверса ҳуқуқшуносслар олдидаги бурчдир. Хўш, улар ўз зиммасидаги бурчни бажара олмаяптими? Агар бажарилаётган бўлса нима тўсқинлик қилмоқда? Ана шу каби саволларга Тошкент давлат юридик институтида ҳуқуқшуносслар ва матбуот ходимлари иштирокида ўтган ўзаро мулоқотда қисман жавоб берилгандай бўлди.

Қизиқарли баҳс-мунозара остида ўтган бу мулоҳотни институт ректори Ҳалим Бобоев очиб, республикамизда инсон ҳуқуқлари масалалари, Конституциямиз ва қонунларимизнинг жамиятдаги ўрни хусусида ўз мулоҳазаларини баён этди. Сўнгра Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси Ҳуршид Дўстмуҳаммад аҳоли қатламларига ҳуқуқий кўникмаларнинг нечоғли тўғри-нотўғри берилаётгани, учраётган жиддий камчиликлар хусусида тўхталиб, ечимини кутаётган масалалар юзасидан ўз таклифларини билдирди. Шундан сўнг ҳуқуқшуносслар ва журналистлар ўртасида қизғин баҳс-мунозара бошланди. Журналистлар К. Баҳриев, Ш. Акбаров, А. Каримов ва бошқа ҳамкасбларимиз йиғилган талаба ёшларга ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда юридик ва журналистик соҳаларнинг бир-бирига нечоғли алоқадорлигини гапириб бердилар.

Умуман олганда, суҳбат анча жонли кечди. Асосийси, ўзаро боғлиқ бўлган бу соҳаларда ечимини кутаётган талайгина муаммолар мавжудлиги аён бўлди. Муаммоларни ҳал этишда мулоҳаза ва таклифлар ҳам ўртага ташланди.

Л. БЎРИЕВ.

ҚОНУН — ИНСОНГА ИМКОН

Тошкент Молия институтининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганига 5 йил тўлиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси ва инсон манфаатлари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда институтнинг биринчи проректори, тарих фанлари доктори, профессор Н. Обломуродов, профессорлардан Қ. Усмонов, З. Давронов ҳамда доцентлардан Р. Умарова, Т. Боймуродовлар ўзларининг сермазмун маърузалари билан иштирок этдилар. Маърузаларда Конституциямизнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилди.

Айниқса, фалсафа фанлари доктори, профессор Нормурод Маматовнинг «Конституция — инсон ҳуқуқи ва манфаатлари уйғунлиги» мавзуида қилган кенг қамровли маърузаси профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшларнинг қизғин баҳс-мунозараларига сабабчи бўлди. Маърузада қаерда қонун устивор бўлса, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш ғояси ўзининг кенг маънода ифодасини давлат тизимларида топиши, эришиладиган ютуқларимизнинг мазмуни янада сифатлироқ ўрин топа бориши ишончли далиллар асосида очиб берилди. Конституциямизнинг бугунги кун ва келгусида бизга раҳнамолик қилиши учун ҳар бир инсон жон фидо қилиши кераклиги ҳам маърузада ўз ифодасини топди.

Конференция якунида профессор-ўқитувчилар ва талаба ёшларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

Қаюм БОЙМИРОВ,
педагогика фанлари номзоди.

Гоҳо ўйланиб қоласан. Сенга умр ортингдан келаётганларга ибрат қилиб кўрсатишинг учун берилгандек туюлади. Эзгу ишлар қилиб, ҳалол, пок яшаётган инсонлар умрини кузата туриб аслида ҳам шундайлигига иқрор бўласан. Тириклик дунёсининг қон томирларида улар эвазига ҳамиша ҳаёт гупириб турганлигига иймон келтирасан. Худди шундай умр кечираётган инсон, устоз — Ғайбулла ас-Салом домла бугун 65 ни қоралабди. Бу ёш, қоларверса асосан илм талаблар орасида кечган бу сермазмун умр ёшларга насиҳат қилишга, уларни ўз ортидан эргаштиришга муносиб деб биламиз. Устозга соғлик-омонлик тилаймиз.

ТАҲРИРИЯТДАН.

СЕНИ ЎЙЛАЙМАН, БОЛАМ

Ҳар бир жамиятнинг тақдири ва истиқболи унда ёшларнинг салмоғи, салоҳияти, онги билан сарҳисоб қилинади. Сўнгги маълумотларга қараганда, республикамиз аҳолисининг уртача ёши 24 эканлиги қайд этилган. Ана шу қудратли қатлам — 24 лар ва уларнинг сафини тўлдириб борувчи ёш насл жамиятимизнинг тоғдай таянчи, келажагидир. Уларнинг руҳий аҳволи, ўй-кайфиятлари кўп нарсага боғлиқ. Уз аслига ва наслига муносиб, зийрак, доно, тадбиркор ёшларни кўрганимда эртанги кунимиздан кўнглим тўқ. Лекин баъзи бир ёш-ялангчлар, сабаби тирикчилик ва мумай пул топиш ҳирсига берилиб, майда-чуйда эҳтиросларга, ҳою-ҳаваслар домига илинаётгани баримизни, айниқса, биз муйсафидларни ташвишга солади.

Инсон ҳаёти муайян қатъий андозалар ассоида силлиқ кечадиган жараён эмас. Унинг ўз ибтидоси, бахтли, чароғон онлари, авж пардаси ҳамда инқирози, ўпқонлари, ғам-андуҳлари ва интиҳоси бор. Агар ҳар бир киши ўзи истагандай яшаш имконига эга бўлганидами... О! Буни ҳаёт деб бўлмасди. Шахс — робот («олтин одам»), ҳаёт эса қўғирчоқ театри, цирк томошагоҳи бўлиб қоларди. Зиддиятлар тулиб-тошган бу дунёда инсон ўз тақдири тақозоси ила сир-синоатли, муъжизакор, азизу мукаррам, бахтиёр ва ночору бад-бахтдир.

Бундай олганда, ташвишу азият чекиб ўтирмай, боқибеғам бўлиб, дориломон яшаш қанчалар роҳат — фароғат-а! «Мамочка», «папочка»лар омон бўлишсин-ей. Ажабмас, бугун-эрта телевизор қутиларидан силсабил ҳаво тулқинлари орқали «очил дастурхонлар» ҳам келиб турса... «Менга не ғаму, не ташвиш, — деб ўйлашади айрим танбал арзандаларимиз. — Қайта қуриш ёки қайта бузиш бўладими, турғунлик, инқироз ёки демократия, ҳуррият бўладими, қандай фарқи бор! Кун ўтаяптими — ўтаяпти... Жуда ўйлаш шарт бўлса, мен учун бошқалар ўйласин. Ҳоким тўрани нима учун тайинлашган? Бош қотирсин деб. Вазири аъзамни-чи? Манглайни қашласин. Мана, Президент жаноблари ўзини ўтдан-чўққа уриб, эртаю-кеч елиб-югураяпти. Мени Худованда Карим киройи банда қилиб яратган экан, Ўзи боқиб олсин. Бу унинг вазифаси. А? Менми? Одамларнинг гапига қараганда нонни «нанна» деб юрган бир ўспирин бўлсам. Қўлимдан ҳеч нарса келмайди»...

Жайдари фалсафа. Тўғриоғи, ахлоқсизлик. У турли-туман шаклларда кўп одамларнинг бош каллалари, мўрт қалбларини ўргимчак ипларидай чулғаб олган. Билишмайдики, «кичик» одамларнинг бу сингари пучак, бўшбаёв мулоҳазалари одамзотга катта ташвиш ва мусибат келтиради.

СССРнинг парчаланиб кетгани, мустақил Узбекистон Республикасининг қарор топгани улкан тарихий-ижтимоий воқеа. Агар шундай ҳодиса рўй бермаганида, ҳозирга келиб ҳолимизга маймунлар йиғлаши аниқ эди. Эндиликда имиллаш ҳалолар, «борса-келмас» ороллар, обҳаво инжиқликлари учрайди. Бу муқаррар, кеманинг узида юз бериши мумкин бўлган табиий, ижтимоий, тасодифий фалокатлар, ёқилғи муаммоларидан ҳам қочиш амри маҳол. Бунинг устига, фақат сиз фарзандлар эмас, биз ота-боболарингиз ҳам ўша маҳобатли «социалистик қурилиш» йилларида оғир юкни яғир елкаларимизда ташиган ҳолда, аксарият, қозон бошида бошқалар ўтирар, даста уларнинг қўлида эди. Биз бўлсак, аксарият, нари борганда, гулахилик қилиш, сув ташиш, ўтин ёриш, пудратчилик, ямоқчилик, дастёрчилик, югурдаклик сингари майда-чуйда юмушлар билан алаҳситиб келинганмиз.

Эътибор қилаётгандирсиз, эй фарзанди аржумандлар. Истиқлолият замонида мулкка муносабат тубдан ўзгармоқда. Замонларки, мулкдорлар синф сифатида тугатилди. Бугунги воқелик тақозо этмоқдаки, мулкдорларни худди шундай бир мақомда қайта яратмоқдамиз. Илгари барча кулфатлар манбаи — хусусий мулк деб таърифланган бўлса, эндиликда у ялпи ижтимоий тараққиёт омилига айланиб бормоқда. Бас, сиздан лозим бўладики, мулкка нафрат ўрнига ҳавас пайдо қилишингиз даркор. Мол-мулксиз, йўқсул, ялангоёқ, бебизоат кимса жамиятнинг иқтисодий ва маънавий қиёфасини белгилай олмайди. Мулксиз шахс заиф, қашшоқ ва ожиз одам. У на ўзига, на ўзгага ёрдам қўлини чўзолмайди. Ўтмишда етти пушт ота-боболарининг насл-насабсиз, камбағал, батрак, малай, нотавон ўтганлиги билан нодонларча «мақтаниш», ўзининг ношудлиги туфайли катта давлат мансаби ва лавозимларидан, ноибликка ўтишдан умидвор бўлиш даврлари ўтиб кетди...

Тадбиркор, бадастир, бадавлат, забардаст инсонлар бўлишга интилинг. Фақат мулк, сармоя тўплаш эмас, балки уни тасарруф қилиш, қисқаси, пулни санашни ўрганинг. Бойликни тежаш, ҳар қандай исрофгарчиликлардан тийилиш йўлларини қидиринг. Тийиннинг қадрига етинг. Чунки тийинлар йиғилиб сумга айланади. Чиқитсиз ишлаб чиқариш илмини эгалланг. Рақобатсиз ўсиш, юксалиш, тараққиёт йўқ. Бироқ! Рақобат ўзгаларни хонавайрон қилмаслиги, бахтсизликка гирифтор этмаслиги лозим. Рақиб — душман дегани эмас. Маърифатли, шафқатли, одамшаванда бой-бадавлат кишилар, топармон-тутарман завод-

(Давоми 4-бетда).

Saboq

ФАХРИЯ

Таниш бу китобни бир-бир варақлаб,
Эркка етиштирган кунларни алқаб,
Ўйлайман, ижросин халқимдан сўраб,
Қомусимиз — номусимиздир.

У — ниҳол, ҳосилин беради ҳали,
У — ҳилол, нурига чулғайди ҳали,
У — зилол, юракнинг орзу маскани,
Қомусимиз — номусимиздир.

Бир куни гуллаган даврон бўлғуси,
Сен, ахир, муқаддас юртинг қайғуси,
Сен, ахир, кўксимда Ватан туйғуси,
Қомусимиз — номусимиздир.

У — посбон, у — йўлчи, кўнгил сарвари.
Сизу бизга боғлиқ унинг амали,
Асли истиқлолнинг ҳамали,
Қомусимиз — номусимиздир.

Абдураҳмон ЖЎРА.

КОЛЛЕЖДА ТАНТАНА

Аграр-тижорат коллежида Конституция кунига бағишланган тантанали кеча ўтказилди. Кечани коллеж ўқув ишлари бўйича директор муовини Ў. Ўрунов олиб борди.

Кечада маърифат ва маънавият бўйича директор ўринбосари У. Рашидов Конституциямизнинг аҳамияти ҳақида нутқ сўзлади.

Коллеж директори Х. Салохов фурсатдан фойдаланиб, аълочи ва фаол ўқувчиларни коллеж маъмурияти номидан табриклаб, рағбатлантирди. Кечада А. Икромов ҳокимиятидан вакил қатнашди. Ушбу йиғилишда шу маскан талабалари ўзларининг концерт дастурларини намойиш этишди. Кеча жуда тантанали ва қизиқарли ўтди.

Н. АЛИМАТОВА,
коллеж ўқитувчиси.

СЕНИ ЎЙЛАЙМАН, БОЛАМ

(Боши 3-бетда).

чилар, корхона эгалари, заминдорлар, қилни қирқ ёрадиган ҳунарманд бўлишга интилинг. Қўлида ҳунари бор одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Миллионер бўлиш насиб этсин. Минбаъд унутманг: сиз бой экансиз — давлатимиз ҳам бой булади. Атроф-муҳитни булғаш гуноҳи азим эканлиги фаромуш бўлмасин.

Бадавлат, ғаний бўлишнинг асосий шарти шу: меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик. Қанчалар яхши айтилган. Бу олтин сўзларни одамлар энг гавжум жойларга, катта магазин, савдо расталари, бозорларнинг кўзга ташланиб турадиган пештоқларига Катта ҳарфлар билан ёзиб қўймоқ даркор.

Шубҳасиз, ҳар қандай ҳукм ўз ўрнида тансиқ ҳам вожибдир. Намоз ҳам вақтида фарз, дейдилар. Пул билан илм ҳамма вақт ҳам бир-бирига қойим келавермайди.

Нақл борким, қирғийбурун бир киши ўз шеригини синамоқчи бўлибди. Унга иккита патнисни узатибди. Бирида — қип-қизил олтин. Иккинчисида — теран ақл. Олтин билан Ақл.

— Марҳамат, истаганингни ол.

Бояги одам ҳеч бир иккиланмай ақлга қўл узатибди...

— Тўғри қилдинг, — дебди истеҳзо билан қирғийбурун. — Билувдим. Кимга нима етмаса, ўшани олади-да!

Демоқчики, нақд олтинни қўйиб, ақлни ихтиёр этган кишида ақл етишмайди. Шундаймикан? Олтин сарфлаб ақлни топиб бўлмайди. Аммо ақлни пешлаб олтин топиш мумкин. Бир кун келиб битмас-туганмас бойлик ҳам тугайди. Ақл эса чинакам туганмас бойликдир. Уни қанча сарфлаганинг билан кўпаядики, камайиб қолмайди... Илмдан илм туғиладн. Ақл ақлдан сув ичади.

Бозор билан озор сўзлари қофиядош. Бежиз эмас. «Бозор қурган эчкидан қурқ», дейдилар. Агар мечкай ва «бозор эчкиларига» айланиб қолсангиз, тамом. Сиздан «Бозорбой» чиқса чиқар, аммо виқорли «Арслон», довюрак «Қоплон», салобатли «Шерзод», шижоатли «Бургут» ёки Олим ва Олима, Ориф ва Маърифатлар чиқмас. Ёшлигида носвой ёки супурги сотишга қуниккан одам, нечук бўлиб илм шоҳсупасига кўтарилганида, боринг-ки, академик бўлганида ҳам, умр бўйи ўз «ёғлиқ» касбини қўмсаб, носфуруш, чайқовчи ва юмшоқ супурги бўлиб юраверади...

Сизнинг қиёфангизда, жон болажонлар, чақнаган ва мулойим боқишларингизда, равиш-рафторингизда минглаб машҳур олиму уламолар, одил қозию кўзлар, уддабурон муҳандислар, табиблар, зироатчилар, фазогирлар (космонавтлар), ҳарбий саркардалар, давлат ва жамоат арбоблари, инсонлар қалбини жунбишга келтирувчи актёр, ҳофиз ва мусаввирлар, атоқли бастакорлар, дипломат ҳамда ёзувчиларни кўриб турибман. Сиз ўзингизни ўзингиз кўрмайсиз, омон бўлгурлар. Аммо мендай бир мураббий ва муқаддас кишига худди кафтда тургандай аён ва муайянсиз. Ўз иқтидор ва истеъдодингизни жувонмарг қилманг. Оллоҳ таоло берган Бахт қушини сассиқ попишакка алмаштирманг. Узни чайқов бозорига уриб, нархингизни арзон сўрамангиз, шунқорлар. Тезак, Пиён бозорларига эмас, илм-урфон кошоналарига юзланинг. Не орзу-умидлар билан ота-онангиз сизни кипригида катта қилган. Республикамизнинг олий мактаблари, жаҳон илмгоҳлари, Кембриж, Оксфорд, Токио, Вена, Ал-Азҳар, Истанбул, Берлин университетлари, молия-иқтисод, банк, технология институтлари, техника доирифунунлари, бадиий академиялар сизни кутмоқда. Қийинчиликлардан қўрқманг. Айнан шундай иқтисодий вазминчилик кезларида улуғ инсонлар етишиб чиқадилар ва ўз халқларининг корига ярайдилар. Букик қалдини ростлайдилар. Ватан шонш-шуҳратини қўкларга кўтарадилар. Қаёқдасиз, ҳей, кичик донишмандлар, ёш олимлар, ёрқин истеъдод соҳиблари! Нидо берингиз.

Яна бир қиёмат қарз гап. Одамларимиз тасаввурида азалдан «ишчи» деганда муайян юмуш бажарувчи шахсни тушунадилар. Масалан, ҳар хил қора хизматни ижро этувчи маъносида. Бизда, эсизки, шиддатли техника асрига мос замонавий, билағон, уюшган, онгли ишчилар қатлами, ишчизодалар табақаси қунгилдагидек ва узилкесил қарор топмади. Ҳолбуки, армияни сарбозсиз, қишлоқ хужалигини деҳқонсиз, илм-фанни олимсиз, саноатни эса ишчисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун биринчи галда оғир саноатни миллий ва маҳаллий мутахассислар билан таъминлашдек ўта муҳим, оғир вазифа ёшларимиз зиммасидадир. Улар хорижий мутахассислар билан елкама-елка туриб ҳунар ўрганишлари, ишлаб чиқаришда Истиқлол тақдирини ўз қўлларига олишлари зарур. Азиз фарзандлар, узбеклар оғир машинасозлик, йирик саноат, кончилик, ҳарб, фазогирлик, энергетиканинг мураккаб, долзарб меҳнатига дош беролмайди, улардан фақат майда савдогар, молбоқар, «хлопкораб» (пахтақул) чиқиши мумкин, холос, деган таъна-дашномлар мутлақо асоссиз эканини намойиш этинг.

Энг янги илмий-техникавий тафаккур самараларини, энг тансиқ технологияни, ЭҲМларнинг янги авлодини, замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозларни бизга на кечаги «улуғ оғалар» ва на бугунги сахий «Сэм амакилар», ҳеч ким «еб кетарга» текин бермайди. Хомтама бўлиш керак эмас. Фақат бозор иқтисоди, жаҳон ва минтақавий интеграция доирасида, ўзаро манфаатдорлик негизидагина ўзимизга керакли нарсаларни тилла баҳосида, нақд ақчага олишимиз мумкин. Бунга Республиканинг иродаси, куч-қудрати етади. Иншооллоҳ, илғор Ғарб давлатлари қаторида биз ҳам товушдан тез учадиган тайёраларарро, янги самовий парвоз аппаратлари, Ер сунъий йўлдошлари, атом ва Қуёш физикаси, радиотехника ашёлари ихтиро этиш, лаҳзанинг бир неча минг улушлари ичида кечадиган жараёнларни илғаш имкониятига эга бўламиз.

Азиз ўғил-қизлар, товонидан ўт чақнаган марди майдонлар. Ўйламангки, янги аср бўсағасида насиҳат қилиб қўйиш учун, оқсоқоллик бурчим юзасидангина сизга мурожаат этаётганим йўқ. Балки мамлакат тақдири учун ғоят масъулиятли шу кунларда сукут сақлашнинг илюжи қолмагани боис қўлимга қалам олдим. Пок виждонли бирон киши бундай вақтда жим қололмайди. Кечаги қўшиқни бугун жирлаб бўлмайди. Ҳозир ўтган довруғли ва фожеаларга тўлиб-тошган асрларнинг чўқиларидан кўра, ўзининг оқ тулпорида биз томон тинимсиз елиб келаётган янги замон пойидан туриб тафаккур қилмоғимиз, унга ўзимизни руҳан тайёрламоғимиз лозим. Илоё XXI аср бутун нотинч башарият, барча турк қавмлари, қўҳна Моваройуннаҳрнинг барча эл-элатлари, бизнинг ялангтўш ўзбегимиз учун ҳам қутлуғ бўлгай.

Омин ё Раббил оламин.

Ғайбуллоҳ ас-САЛОМ.

Xullas...

ЭЧКИХЎР КАЛАМУШЛАР

«Рейтер» агентлигининг сунгги пайтда тарқатган хабари қўпчиликни безовта қилиб қўйди. Яъни Чилидаги экологларнинг айтишича, Сантьяго атрофида узунлиги 60 сантиметр келадиган каламушлар пайдо бўлган. Улар маҳалладаги уй жониворларини, хусусан, эчки, товуқ каби жонзотларни еб кетишмоқда. Яна бир гап. Каламушларнинг келажакда янада «баркамол» бўлиб ўсиши тахмин қилиняпти. Сабаби маҳаллий парранда фабрикаларидан чиқариб ташланган озуқалар каламушларга жуда ҳуш ёқяпти.

САМОДАГИ ТЎЙ

Чехлар тўй қилиш учун ресторану кафедан ҳам «қулайроқ» жойни танлашган кўринади. Улар танлаган манзил чиқими бир оз камроқ, муъжазгина экан. Тайёранинг кичик салонида ўтган дуруслгина тўй маросимини эшитган отарчию томошагўйлар ҳайратдан донг қотишди. Озмас-кўпмас, атиги 10 минг метр баландликда ўтган ушбу тўй, Прагадан Пальма шаҳрига учувчи рейсда нишонланган. Тўйда қатнашувчиларнинг таъкидлашича, улар тўй удумларини ҳам эсдан чиқаришмабди.

ТОҚАТИНГГА БАЛЛИ...

Тўғриси, ҳар доим ҳам қулоғини динг қилиб радио тинглаб утираверадиган бекорчилар ҳам учрайди. Аммо бу борада Авовлик Григорий Шрамконинг олдига тушадигани бўлмаса керак. У сутканинг 23 соати давомида қулоғини радио карнайига улаб қуяркан. «У қачон ухлашга улгуради» деган савол беришингиз турган гап. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, унга радио эшитишнинг ўзи уйқу экан. Фақатгина унинг юрагини бир ғам ўртаркан: радио бузилиб қолишидан кўрқиш...

ЧАПАҚАЙЛАР МУАММОСИ

Ҳаётдаги мавжуд тенгсизликлар чапақайларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ер юзидаги одамларнинг 10 фоизини чапақайлар ташкил этаркан. Шунинг учун бугунги жамият уларга ҳам эътибор бериши лозимдек. Масалан, кундалик ҳаётимиздаги чапақайларга бўлган ноқулайликлар: маиший хизматда, бичиш ва тикишда кенг фойдаланаётган қайчилар ўнг қўл учун мўлжалланган, автомашинадаги тезликни бошқарув тутқичи ҳам рулнинг ўнг томонида, кийимларни қуритадиган, кир ювадиган машиналар каби кичик механизация билан боғлиқ асбоб-ускуналарнинг ҳам «ишга қўшиш», «тўхтатиш» кўзлари ўнг томонда, мусиқий асбоблар тўғрисида-ку, айтмаса ҳам бўлади. Лекин олимларнинг фикрича, чапақайларнинг ташкилотчилик қобилияти юқори бўлиб, улар орасида истеъдод эгалари кўп учрар экан.

Статистик маълумотлар машҳур Микеланжело, Пабло Пикассо, Леонардо да Винчи, Марк Твен, президент Билл Клинтонлар чапақай эканликлари ҳақида хабар беради.

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

ҚЎРЪА НАТИЖАЛАРИ

Ўтган ҳафтанинг тўртинчи куни келгуси йил Францияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг 32 аъзоси саккиз гуруҳга бўлинди.

Мавжуд 32 мамлакат терма командаси бир ойдан сал кўпроқ вақт мобайнида 16-жаҳон чемпионини аниқлаш учун ўзаро кураш олиб борадилар. Футбол ишқибозларининг эътибори учун бугун гуруҳ аъзоларини тўлиқ маълум қиламиз.

«А» гуруҳ	«В» гуруҳи
Бразилия	Италия
Шотландия	Чили
Маракко	Камерун
Норвегия	Австрия

«С» гуруҳи	«Д» гуруҳи
Франция	Испания
ЖАР	Нигерия
Саудия Арабистони	Парагвай
Дания	Болгария

«Е» гуруҳи	«F» гуруҳи
Голландия	Германия
Бельгия	АҚШ
Корея	Югославия
Мексика	Эрон

«G» гуруҳи	«Н» гуруҳи
Руминия	Аргентина
Колумбия	Япония
Англия	Ямайка
Тунис	Хорватия

Ham ilm, ham sog'lik

«Sh»ни «S» демайсиз

Гоҳида, йўқ кўпинча соғлиғимиз қадрига ғишт қолипдан кўчгандан кейин етамиз. Таним — соғ, руҳим — чоғ бўлсин, десангиз сиҳат-саломатликни ёшликдан асрай билиш керак.

Ана шу мақсадда «Проктер энд Гэмбл» компанияси Ўзбекистон Республикаси болалари орасида профилактик ва стоматологик тадбирлар ўтказиш учун ёрдам тарқасида ўқув қўлланмалари, мактаб дастурини тақдим этди. Бу компания оғиз бўшлиғини парваришловчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида дунёда етакчи ўрин тутади.

Қўлланма рангли бўлиб, лотин алифбосида битилган. «Соғлом тиш», «Кариес қаердан ривожланади?», «Тиш учун фойдали бўлган моддаларни топинг», «Карим тиш доктори қабулида», «Гапларни тўғри тузинг», «Жуфт ва тоқ сонлар», «Тишни ювиш» каби бўлимларида расмлари билан болажонларни зериктирмайдиган қилиб, ўйин тариқасида берилган. Бундай ўқув дастурни қўлга олган каттаю-кичикнинг кўзи яйрайди. Болажонлар эса уни жон-жон деб ўқишади.

Кариес, тиш караши ва парадонт касаллиги дунёнинг ҳамма мамлакатларида кўп учрайдиган оғиз бўшлиғи касалликларидир.

— Асосан, бу касалликлар тиш карашларида мавжуд бўлган бактериялар хисобидан келиб чиқиши ҳозирги кунда аниқланган, — дейди Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти болаларни даволаш стоматологияси кафедраси мудири, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги бош стоматологи О. Зуфаров. — Тиш караши, шунингдек оғиз бўшлиғи касалликлари билан курашишнинг энг осон йўли, мунтазам равишда тишларингизни парвариш қилишдир. Оғиз бўшлиғи ҳолатини яхшилашда, кариес тарқалишини камайтиришда тиш ювиш воситалари муҳим ўрин эгаллайди. Компания тақдим этаётган ўқув дастурида мутахассислар томонидан болаларга оғиз бўшлиғи гигиенасини амалий ўргатишга, шу билан бирга тўғри риоя қилишга чақиради.

Шуни унутмангки, «Соғлом тишлар — соғлиқ гарови», қачонки оғиз бўшлиғи гигиенасига доимий амал қилгандагина тишларингиз соғлом бўлади.

Феруза ОДИЛОВА.

ТАҲИРИРИЯТДАН: Болажонларимиз соғлиғи устида ғамхўрлик қилиб, ҳар бир болага ана шундай ўқув қўлланмани тақдим этган «Проктер энд Гэмбл» компаниясининг бу хайрли ишидан ўзимизнинг тадбиркору ишбилармонларимиз ҳам ўрнак олса арзийди.

Uyga vazifa; rasmlar ostidagi gaplarni qirqib, rasm mazmuniga qarab to'g'ri joylashtiring.



Karim tish doktori bilan xayrlashayapti

Karim tish doktori oldiga kirayapti

Tish doktori Karimning tishlarini tekshirayapti

Sport

«ҚУВНОҚ СТАРТЛАР» ДАВОМ ЭТАДИ

XV республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақалари саралаш учрашувининг навбатдаги қатнашчилари — Наманган вилояти Турақўрғон туманидаги 2-ўрта мактабнинг «Истиқлол» ва Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 4-ўрта мактабнинг «Орзу» жамоалари ўртасидаги беллашув қизғин ва муросасиз кураш остида ўтди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва майдондаги ҳакамлар мусобақа қоидаларига қатъий амал қилинишига жиддий эътибор бериб, йўл қўйилган хатолар учун бир неча бор жарима чораларини қўлладилар.

Учрашувда «Орзу» жамоаси аъзолари ғолиб чиқиб, кейинги давра мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Қуйида ҳар икки жамоа раҳбарлари билан суҳбатимизни ҳавола этамиз.

Мурод НУРҚОБИЛОВ,
Дўстлик туманидаги 4-ўрта мактаб директори:

— «Мактабимизда 831 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётир. Биз ёшларга фан асосларидан пухта билим бериш билан бирга уларнинг жисмоний жиҳатдан чиниқишларига ҳам алоҳида эътибор бериб келаётирмиз.

«Қувноқ стартлар» мусобақаларининг мактабда ўтказилган биринчи босқичи чинакам оммавийлик кўригига айланди. «Орзу» командамиз узагини ана шу синфлараро мусобақаларда ўзини кўрсаттан 5-9-синф ўқувчилари ташкил этишди. Жисмоний тарбия ўқитувчиларимиздан Абдумутал Ҳусанов ҳам, Музаффар Норқулов ҳам шу мактабни битиришган. Ҳар иккаласи олий маълумотли жисмоний тарбия ўқитувчиси.

Жонкуяр мураббийларимиз раҳбарлигида жамоамиз аъзолари «Қувноқ стартлар» мусобақасининг иккинчи ва учинчи босқичларида муваффақиятли иштирок этишди. Вилоятда 11 та команда биринчилик учун кураш олиб борди. Жамоамиз аъзолари Арнасой, Зафаробод, Жиззах тумани командалари билан беллашгач, финалда Пахтакор тумани спортчиларини мағлуб этиб, вилоят чемпиони бўлишди. Тўртинчи босқич мусобақасидаги дастлабки ютуқ кейинги учрашувларга янада пухта ҳозирлик кўришга ундайди.

Зойиджон НУРМУҲАМЕДОВ,
Тўрақўрғон туманидаги 2-ўрта мактаб директори:

— Кўп йиллардан буён тўрақўрғонлик мактаб ўқувчилари «Қувноқ стартлар» телемусобақаларида қатнашиб келишмоқда. Биз ҳам ана шундай оммавий спорт мусобақаларида қатнашишни ният қилиб юрган эдик. Спорт зали, яхшигина спорт майдончаларига эга бўлган мактабимизда «Қувноқ стартлар» мусобақаларини пухта тайёргарлик билан ўтказдик. Олий тоифали жисмоний тарбия ўқитувчимиз Икромжон Муминовга бевосита менинг ўзим, ўринбосарларим, синф раҳбарлари яқиндан ёрдам бердик.

Ўқувчиларимиз туман мусобақаларида бешта мактабни мағлубиятга учратиб, Наманган вилояти биринчилиги учун беллашувда Чуст тумани комадаси устидан ғолиб чиқишди.

Спорт анжомлари олишда, транспорт билан таъминлашда туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар жамғармаси, «Оҳангор» ҳиссадорлик жамияти, асфальт-бетон заводи, халқ таълими бўлими яқиндан ёрдам беришди.

Мусобақа баҳонасида ўқувчиларимиз кўп жойларни кўришди, жумладан, Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишишди. Бу ёшларимиз хотирасида узоқ йиллар сақланиб қолиши, шубҳасиз.

Суҳбатдош Ғ. МАННОПОВ.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректорати ва касаба уюшма қўмитаси Жанубий Осиё тиллари кафедрасининг мудири, профессор О. Шаматовга онаси НАСИБА ая вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Ҳулкар ТУЙМАНОВА,
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0825. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6